Янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳамда уни амалга ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида

«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар»

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил
7 февралдаги ПФ–4947-сони
ФАРМОНИ

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил
28 январдаги ПФ–60-сони
ФАРМОНИ

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида

«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар»

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида мамлакатимизда олиб борилаётган **улкан ислоҳотлар** ва **янгиланишларнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш**, ислоҳотларга мос янги **конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш** зарурати юзага келди.

Қолаверса, ҳеч бир давлатда **идеал ҳужжат** ёки **қонуннинг ўзи йўқ**. Мамлакатларнинг тараққий этиши, одамлар турмуш тарзи, онгу тафаккурининг ўзгариб бориши **Конституция** ва **қонунларни** ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ана шундай ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиш, **«инсон қадри учун»** деган эзгу ғояни амалда қарор топтириш мақсадида кенг қўламли **конституциявий ислоҳотлар амалга оширилди**.

«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар»

Ватанимиз тақдири ва келажаги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган конституциявий ислоҳотларни самарали амалга ошириш масаласи ***Давлат раҳбарининг доимий диққат эътиборида бўлиб келди***

Давлатимиз раҳбари Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда парламент вакиллари билан ***бир неча маротаба*** *учрашдилар.*
Уларда қатор таклиф ва ташаббусларни илгари суриш билан бирга Конституциявий қонун лойиҳасини ***умумхалқ муҳокамасига қўйиш*** *ва уни* ***референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиш*** *таклифини билдирдилар*

«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар»

Шу йилнинг **30 апрель** куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб, **биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясини қабул қилди**.

*Бўлиб ўтган референдумда **90 фоиздан кўп** фуқароларимиз янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилишни ёқлаб овоз берганлиги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватлаш билан бирга, одамларимизни **эртанги кунга ишончини яққол кўрсатиб берди**.*



Бош қомусимиз том маънода

халқ танлови асосида

қабул қилинди.

Конституция **сиёсий** ва **ҳуқуқий ҳаётимизнинг ўзига хос кўзгусидир**. Унда фуқаронинг ҳуқуқий мақоми, жамият ва давлат тузумининг энг асосий таркибий қисмлари ифода этилади. Реал ҳаётдаги йирик ўзгаришлар **«конституциявий кўзгуда» намоён бўлади**.



Конституциямизга киритилган нормаларни **4 тоифага** бўлиш мумкин:

Биринчиси, **ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар**

Масалан,

*аввалги Конституциянинг 25-моддасида «**ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас**»лиги кўрсатилган эди.*

*Янги таҳрирдаги Конституцияда нафақат «**ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши, балки ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши ҳам мумкин эмас**»лиги мустаҳкамланди.*

«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар»



Олдинги Конституция

26-моддасида ***шахснинг иши судда кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгиланган*** *эди.*

41-моддасида ***«ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга»****лиги кўрсатилган бўлса-да, фуқароларнинг бундай ҳуқуқларини таъминлаш қоидалари аниқ очиб берилмаган эди.*

Янги таҳрирдаги Конституция

28-моддасида ***суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча у айбсиз ҳисобланиши белгиланди.***

50-моддасида ***ҳар ким нафақат таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, балки давлатнинг узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши*** *белгилаб қўйилди.*

Иккинчиси, соҳавий қонунларимизда мавжуд айрим нормалар конституциявий даражада мустаҳкамланди

Масалан,

*Жиноят кодексида ўлим жазосининг йўқлиги барчага аён. Шундай бўлсада, янгилананётган Конституциямизнинг **25-моддаси**да Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланиши белгиланди. Бу билан инсоннинг асосий фундаментал ҳуқуқлари Конституциявий даражада мустаҳкамланди.*

*Янги таҳрирдаги Конституциянинг **27-моддаси** билан шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.*



Учинчиси, Конституциямизга кўплаб концептуал янги нормалар киритилди

Масалан,

- ***20-моддада*** *инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши кафолатланди.*

- ***28-моддада*** *гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.*

- ***98-моддада*** *сайлов ҳуқуқига эга бўлган, 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар, Сенат, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), Марказий сайлов комиссияси қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли эканликлари белгиланди.*

- ***120-моддада*** *вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс* ***бир вақтнинг ўзида*** *халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.*

Тўртинчиси, **Конституциямиз матнига лингвистик экспертиза хулосаси асосида таҳририй тузатишлар киритилди**

*Бунда, муқаддимадан тортиб ҳар бир моддaнинг матни **адабий тил, имло, услубий, грамматик** ва **орфография** қоидаларига мос бўлиши, **атамаларнинг тўғри қўлланилиши** таъминланди.*

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида давлатнинг 3 та муҳим хусусияти белгиланди.

Яъни, Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб мустаҳкамланди.



Ҳуқуқий давлат

бу демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча **тенг** ва **ҳисобдор** бўлган, **ҳеч ким қонундан устун турмайдиган** давлатдир. Президентимиз таъкидлаганидек, **«фақат ҳуқуқий давлат шароитидагина инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини тўлиқ таъминлаш, том маънода халқпарвар бошқарув тизимини шакллантириш мумкин»**. Шу нуқтаи назарда, янги таҳрирдаги Конституцияда «Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат» деган ғоя мустаҳкамлаб қўйилди.

Ижтимоий давлат

бу ҳар бир инсон учун **ижтимоий тенглик** ва **адолат принциплари** асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб берадиган, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича **самарали сиёсат олиб борадиган давлат** моделидир.

Сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, муносиб меҳнат шароити *ва* ***адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар,*** *ижтимоий ёрдам ва* ***хизматлар тизимини яратиш, аҳолининг уй-жойли бўлишини таъминлаш*** *каби* ***давлатнинг мажбуриятлари кучайтирилди***

Дунёвий давлат

диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган, **давлат бошқаруви диний қоидалар билан эмас**, **Конституция ва қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган** давлат ҳисобланади.

*Дунёвий давлат **виждон** ва **эътиқод эркинлигининг** мавжудлиги, давлатнинг жамият ҳаётида фуқаролар томонидан эътиқод қилинаётган динларга тенг ва бирдек бетараф муносабатда бўлиши ҳамда **ҳеч қайси диннинг давлат дини сифатида ўрнатилмаслиги** билан тавсифланади.*

Янги таҳрирдаги Конституция билан:

- мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланди;
- давлат ўзига улкан ижтимоий-иқтисодий мажбуриятлар олди;
- давлат ўзини ижтимоий давлат сифатида эълон қилди;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмлари жорий қилинди;
- давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг самарали янги модели жорий қилинмоқда.

«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–67-сонли **Фармон** билан:

Давлат раҳбари раислигида Янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича **Давлат комиссияси** тузилди

Янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича **5 та экспертлик кенгаши** тузилди

Фармон билан тасдиқланган **Чора-тадбирлар дастурида 100 га яқин** аниқ тадбирлар белгиланди

ПФ–67-сонли **Фармон**нинг **2-бандига** мувофиқ:

- давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун **шахсан жавобгар ҳисобланиши**;

- янги таҳрирдаги Конституция **олий юридик кучга эга** эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилиши**;

- янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг **мавжуд эмаслиги** ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар **киритилмаганлиги важи** билан қўллашни **рад этиш қатъиян тақиқланиши белгиланган**.

«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар»

Янги таҳрирдаги Конституциянинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, миллий қонунчилигимизни Бош қомусимиздаги янги нормалар асосида такомиллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш борасида парламент томонидан тизимли чоралар кўрилмоқда:

1

Шу йил 15 май куни Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарори билан «Йўл харитаси» тасдиқланди.

*Унда парламент палаталари фаолиятига доир қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституцияга **мувофиқлаштириш**, Бош қомусимизнинг **мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида**, **халқаро тадбирлар** ҳамда учрашувлар доирасида тарғиб қилиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда **кенг ёритишга** қаратилган қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди*

2

Жорий йил 6 ноябрь куни Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг «Қонунчиликни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қўшма қарори қабул қилинди.

*Қўшма қарор билан тасдиқланган **чора-тадбирлар дастурида миллий қонунчиликни** янги таҳрирдаги Конституция талаблари асосида такомиллаштириш борасида **аниқ вазифалар** белгилаб олинди*

«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар»



Ўтган даврда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Конституциядан келиб чиқиб, **қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи** асосида **4 та** қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, **парламент муҳокамасига** киритилди. Масалан:

«**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги Конституциявий қонун лойиҳаси;

«**Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**»ги қонун лойиҳаси;

«**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги қонун лойиҳаси.

- Барча даражадаги **вакиллик органлари**, **ижро этувчи ҳокимият органлари**, ҳамма **ташкилотлар** янги таҳрирдаги Конституциядан ўзларининг ўрнини топишлари керак.

- **Халқимиз ўз ҳаётида** халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлашга қаратилган **амалий ишларни, чора-тадбирларни** кутмоқда.

Янги таҳрирдаги Бош қомусимиз барчамизга жуда катта масъулият юклайди.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН

раҳмат